

М.ТОЖИЕВ, А.ХУРРАМОВ

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ТАШКИЛ
ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**МАМАРАЖАБ ТОЖИЕВ,
АНВАР ХУРРАМОВ**

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ТАШКИЛ
ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИ**

Методик тавсиянома

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 371.3 (072)

КБК 74.202.4

T-60

T-60

М.Тожиев, А.Хуррамов. Таълим жараёнини педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган замонавий таълим усуллари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 96 бет.

ISBN 978–9943–975–90–3

Мазкур методик тавсиянома Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларини самарали амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, унда таълим технологиялари ва унинг таснифи, таълим жараёнини педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган замонавий ўқитиш усул ва технологиялари, ўқув жараёнини ташкил этишдаги интерактив ёндашувлар, таълим сифатини кафолатлашга асос бўладиган ХХІ асрнинг замонавий усул ва технологиялари ҳамда таълим технологиялари сифатини баҳолашда квалиметрия усули, педагогик усул ва технологияларнинг хитойшунослик соҳасида янги очилган таълим йўналишлари бўйича шакллантирилиши каби масалалар ёритилган.

Методик тавсиянома педагог-амалиётчи ва тадқиқотчиларга, шунингдек, олий таълим муассасалари талабаларига мўлжалланган.

УЎК: 371.3 (072)

КБК 74.202.4

Фалсафа фанлари доктори, профессор

Б.Зиямухамедовнинг умумий таҳрири остида.

Масъул муҳаррир: А.Мавлянов – физика-математика фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар: **Г.Ш. Рихсиева** – филология фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий ишлар бўйича проректори;
Х.Х. Назаров – физика-математика фанлари номзоди, доцент, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи ўринбосари.

Методик тавсиянома Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази илмий Кенгашининг 2014 йил 20 октябрдаги 10/3-сонли қарорига асосан нашр этилди.

ISBN 978–9943–975–90–3

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

Хитойшунослик бўйича ўқув жараёнини ташкил этишнинг илғор хориж тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишларнинг амалдаги Давлат таълим стандарти ва ўқув режаларини танқидий таҳлил қилиб чиқиш, шу асосида янгиланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари, фан дастурларини ишлаб чиқиш, унда замонавий таълим технологияларидан кенг фойдаланиш¹.

КИРИШ

XXI аср шахсни шакллантириш асри бўлиб, республикада кадрлар тайёрлашнинг мақсадли тизимини ривожлантириш, жамият ва давлатнинг малакали ва рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришни кўзда тутди.

Таълим тизими инсон ва жамиятнинг турфа хил таълимий эҳтиёжларини қондиришда кенг имкониятларни, билимларнинг аҳамияти ва нуфузини ошириши, шунингдек, мутахассисларни умумтаълим, умуммаданий, касбий ва илмий тайёрлашга қаратилган бўлиши ва улар олаётган билимларнинг фундаменталлигини таъминлаши шарт.

Таълим ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бош омили жамиятнинг ўта муҳим қадрияти ва асосий сармояси деб қаралмоқда, унинг устувор ва ҳаракатлантирувчи кучи мустақил, ижодий фикрлашга, янги билимларни ўзлаштиришга, ижтимоий-касбий фаолият юритишга қодир бўлган шахсдир.

Шахсни шакллантиришда олий таълим фақат илм-фан муассасалари эмас, балки мамлакат минтақаларининг маданий-таълимий, илмий-услубий, маънавий-маърифий марказларидир. Ўзбекистон олий таълим тизими мустақиллик йилларида жиддий таркибий, ташкилий ва маъно-мазмун ўзгаришларга юз тутди.

Ўзбекистон олий таълим муассасалари мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва бозор иқтисоди туб ўзгартириш жараёнларига баҳамжиҳат боғланган, халқаро таълим маконига бирлашишга интилмоқда. Улар ойна каби Ўзбекистондаги барча ижобий ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Ўзбекистон олий таълими халқаро таълим маконига бирлаша бориб, сўзсиз ўзида дунё олий таълимининг умумэътироф этилган тенденциялари ва омиллари таъсирини ҳис этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 сентябрдаги «Тошкент давлат шарқшунослик институти таркибида хитойшунослик факультетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2228-сонли Қарори.

Олий таълим тизими ривожланишининг муҳим вазифалари қаторида, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш жадаллаштириш куннинг талаби бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда мақсад ва вазифалари, тузилишлари бўйича фарқланадиган кўплаб психологик-педагогик технологиялар мавжуддир. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши билан мамлакат таълим жараёни ва таълим маконини ахборотлаштириш катта суръатларда амалга оширилмоқда, бу эса замонавий таълим технологияларни қўллашда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Истикболдаги асосий вазифа, нафақат таълим технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, балки профессор - ўқитувчилар жамоаси педагогик маҳоратини доимий ошириб боришни, ўқув-тарбия жараёнини юксак назарий-услубий даражада амалга оширишга тайёрлашни, ўқитиш ва тарбиялашнинг илғор усуллари, шакллари ва воситаларини қўллаш кўникмаларини шакллантиришни кўзда тутати.

Педагогик технологиянинг замонавий ўзбек миллий модели ғоялари асос қилиб олиниб, ҳаммага маълум бўлган усулларнинг самарали томонлари ва педагогик технология тамойиллари бўйича ўқув машғулотлари лойиҳалари ишлаб чиқилди ва республикамизнинг педагогик жамоатчилигини унинг назарий асосларига оид билимлар билан қуроллантириб, уларда таълим-тарбия жараёнини педагогик технология миллий модели асосида ўзлари ўқитадиган фанлари ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Лекин таҳлил ва шахсий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчи, педагогларда «Педагогик технология» тушунчасининг ягона шакл-тамойилини шакллантиришда ва кадрлар тайёрлаш тизимида унинг ўрнини, таълим жараёнининг яхлитлиги ва ҳар бир аниқ машғулотдан яхши натижага эришиш ва уни тушуниш қийин кечмоқда.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1533-сонли Қарорида[5] қўйилган вазифаларни амалга оширишнинг тўртинчи йили яқунланиш арафасида таълим жараёнига миллий педагогик технологияни янада кенгрок татбиқ этиш жараёнини жадаллаштиришни тақозо этади.

Айниқса, 2014 йил 3 сентябрдаги «Тошкент давлат шарқшунослик институти таркибида хитойшунослик факультетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2228-сонли қарори[7] асосида хитойшунослик бўйича ўқув жараёнини ташкил этишнинг илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишларининг амалдаги Давлат таълим стандарти ва ўқув режалари танқидий таҳлил қилиб чиқилди ва шу асосида

янгиланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув режа, фан дастурлари ишлаб чиқилди. Унда замонавий таълим технологиялари ва таълимнинг интерфаол усуллари таълим амалиётига кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан муаллифлар томонидан тақдим этилаётган ушбу методик тавсиянома айнан кўрсатиб ўтилган вазифаларни ечишга бағишлангандир. Унда педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўқув жараёнларини лойиҳалаш методикаси ҳамда улар асосида ўқув жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган замонавий усул ва технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар берилган.

Методик тавсиянома Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларини самарали амалга оширишга йўналтирилган олий таълим муассасалари талабаларига мўлжалланган.

Мазкур методик тавсияномани тайёрлашда профессор Б.Зиёмухамедов, п.ф.д., профессор **Э.Сейтхалилов** ларнинг материалларидан фойдаланилди ва профессор Н.Н.Азизхўжаеваларнинг маслаҳатлари эътиборга олинди.

Методик тавсияномани тайёрлашда Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнини янада ривожлантириш соҳасида меҳнат қилаётган ва ишимизга илмий, услубий ва амалий фикрлари ҳамда ёрдамини берган п.ф.н. С.Абдалова, Б.Тошпўлатовларга муаллифлар миннатдорчилигини билдиради.

Методик тавсиянома ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни tajiev@mail.ru электрон почтага юборишингизни сўраб қоламиз.

Методик тавсиянома Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Вазирлик тизимида 2012-2014 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар дастурлари» доирасидаги ИТД-1-45 – «Педагогик технологияни миллий модели асосида ўқув машғулотларининг лойиҳасини тузиш ва амалиётда қўллаш» мавзусидаги амалий лойиҳа асосида тайёрланган.

Муаллифлар

I. ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УНИНГ ТАСНИФИ

1.1. Таълим технологиялари

Инновацион педагогик технология – таълимнинг ҳар қандай соҳасида исталган натижага эришиш учун илмий ва амалий асосланган усуллар ва воситалар системасидир. Таълим технологияси, бу таълим мақсадига эришишнинг илмий асосланган ва кафолатланган натижаларга эришиш учун аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини барча таркибий қисмларининг мукамал ишлайдиган системадир.

Бу тушунча «Педагогик технология» тушунчасига қараганда кенгрок ифодаланади, негаки, таълим ва педагогикадан ташқари яна турли ижтимоий, ижтимоий-сиёсий, бошқарув, маданий, психологик-педагогик, тиббий-педагогик, иқтисодий ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатларни ичига олади. Бошқа томондан, «Педагогик технология» тушунчаси педагогиканинги барча бўлимларига тегишлидир.

Таълим технологиялари орасида муҳим ўринни ўқув жараёнини сифатли бошқаришни ва қўйилган ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ҳамда таълимга технологик ёндашув эгаллайди.

Хориж адабиётида *technology in education* – таълимдаги технологиялар, *technology of education* – таълим технологиялари, *Education technology* – педагогик технологиялар каби атамалар мавжуд.

Ижтимоий жараёнларга, маънавий ишлаб чиқариш соҳасига – таълимга, маданиятга – технологик ёндашув ва «Технология» атамасини қўллаш, бу ижтимоий воқелик учун нисбатан янги ҳодисадир.

«Таълим технология» атамаси таълимда ҳали мустаҳкам ўрин олмаган. Шунинг учун ҳам унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Кўпинча таълим технологияси жуда тор маънода тушунилади – масалан, ўқитиш технологияси, таълимот ёки ўқув фаолияти.

Технологик ёндашув таълимда, шу жумладан, педагогик фаолиятнинг турли соҳаларини ўзлаштиришда янги имкониятларни очади, яъни аниқ натижаларни олдиндан айтиб бериш, педагогик жараёнларни бошқариш; амалий тажрибаларни илмий асослаш ва тизимлаштириш ҳамда ундан фойдаланиш; таълим-тарбия соҳасидаги муаммоларни ечиш; шахс ривожланиши учун қулай шароитларни яратиш; мавжуд бўлган манба ва имкониятлардан самарали фойдаланиш; янги технологиялар моделларини ишлаб чиқиш кабилар.

Савол туғилади: Таълим технология модели нима учун керак? Таълим технология қандай тавсифланади?

Дастлаб таълим мақсадлари ва мазмунини белгилаб олиш керак бўлади.

Таълим технология моделининг таркибий қисмлари куйидагилардан иборат бўлади:

- тақдим этилаётган технологиянинг номи;
- унинг қайси таълим технологиялари таснифига кириши;
- мазкур технологиянинг аниқ ва шаклланган тузилмаси;
- қисқа мазмуни;
- қайси фан соҳасига йўналтирилганлиги;
- аниқ объекти;
- қўлланилаётган фан соҳасидаги муаммоларнинг ечимига қаратилганлиги;
- яқин прототипи, агарда бўлмаса, асосийси кўрсатилган бўлиши;
- тақдим этилаётган соҳа муқабилдан фарқ қилувчи белгилар рўйхати;
- прототипга нисбатан тақдим этилаётган объектнинг устунликлари;
- технологик жараёнларнинг расми, схема кабилар бўлиши;
- қўлланиш намуналари, [27].

Ҳар қандай таълим технологиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда касбий компетентликнинг зарурий даражаси бўлиши шарт. Компетентлик – муайян функцияларни бажариш ёки мақсадларга эришиш учун зарур қобилиятларга эга бўлишдир. Масалан, жамоани бошқариш, технологияларни амалга ошириш, лойиҳани бажариш ва хоказо.

Шахснинг ҳаёти, фаолияти учун нафақат ундаги тўпланган билимларнинг мавжудлиги, балки барча ўзлаштиришларининг қандайдир ички захирасининг мавжудлиги ва нима бўлса ўшани кўрсатиш ҳамда фойдаланиш имконияти муҳимдир. Шахснинг нафақат тузилмавий ва морфологик, балки функционал сифатлари – реал шароитларда тезкор фаолият кўрсатиш, яъни касбий компетентликни кўрсатиш қобилиятлари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Касбий компетентликни таснифи

1-жадвал

Касбий компетентлик	
Муҳим юқори компетентлик	
1. Нутқ, хат саводхонлиги. 2. Санаш саводхонлиги. 3. Коммуникативлик. 4. Ахборот саводхонлиги. 5. Умуммаданий саводхонлик.	6. Мустақил ўқиш ва ривожланиш. 7. Командада ишлаш. 8. Муаммолар ечими. 9. Умуминсоний қадриятлар.
Фаолият турлари бўйича	
1) Меҳнат. 2) Ўқув. 3) Ўйин.	5) Фаолият объекти бўйича. 6) Касбий. 7) Фан (мутахассис).

4) Коммуникатив(мулоқот).	8) Профилли.
Ижтимоий фаолият соҳалари бўйича	
1. Маиший. 2. Фуқаровий-жамоатчилик. 3. Санъат. 4. Маданий-ҳордиқ.	5. Техника ва технологияларда. 6. Таълимда. 7. Тиббиёт, жисмоний тарбия ва спортда. 8. Сиёсатда.
Ижтимоий фанлар ва билимлар тармоқларида	
1. Тил ва лингвистик. 2. Фалсафада. 3. Адабиётда. 4. Санъатда.	5. Динда. 6. Жамиятшунослиқда. 7. Тарихда.
Табиий фанлар ва билимлар тармоқларида	
1. Математикада. 2. Физикада. 3. Информатикада. 4. Кимёда.	5. Биология ва тиббиётда. 6. Ер ва коинот ҳақидаги фанларда. 7. Техник тизимлар ва қурилишда.
Ижтимоий қурилиш тармоқларида	
1. Энергетика соҳасида. 2. Транспорт соҳасида. 3. Алоқа соҳасида. 4. Мудофаа соҳасида.	5. Қишлоқ хўжалигида. 6. Қурилиш соҳасида. 7. Завод ва фабрика ишлаб чиқаришида.
Психология соҳаси таркиблари бўйича	
1. Когнитив. 2. Операцион-технологик. 3. Мотивацияли. 4. Этика.	5. Ижтимоий. 6. Хулқий.
Қобилиятлар соҳасида	
1. Жисмоний тарбия + ақлий соҳа. 2. Умумўқув + амалий. 3. Ижро+ижодий.	4. Бадиий + техник. 5. Педагогик + психик. 6. Ижтимоий + сиёсий.
Ижтимоий етуклик ва ҳуқуқий ҳолати поғоналари бўйича	
1. Таълим муассасасига тайёрлик. 2. Таълим муассасаси битирувчисининг компетентлиги. 3. Ёш мутахассиснинг компетентлиги.	5. Мутахассис-стажернинг компетентлиги. 6. Мутахассис – касбий компетентлиги. 7. Раҳбарнинг компетентлиги.

1.2. Таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган асосий ўқитиш усуллари ва технологиялари

Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бош асоси таълим тизими бўлиб, унинг устувор ва ҳаракатлантирувчи кучи янги билимларни ўзлаштириш мотивацияси ривожланган, мустақил ва ижодий фикрлайдиган ҳамда ижтимоий-касбий фаолият юритишга қодир бўлган шахслардир. Шунинг учун ҳам XXI аср шахсини шакллантириш жараёнини жадаллаштириш асри бўлиб, Республикамизда кадрлар тайёрлашни ривожлантириш стратегияси жамият ва давлатнинг малакали рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёжини таъминлашни кўзда тутди.

Олий таълим тизими ривожланишининг муҳим вазифалари қаторида, илғор инновацион педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига жорий этиш куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ҳар бир компетентли ўқитувчининг ўқитишнинг замонавий технологияни ўзлаштиришда ўз йўли ва услуби мавжуд бўлиб, айрим педагоглар ўз дидактик воситаларини ишлаб чиқишга уриниб кўрмоқдалар, уларнинг юқори чўққиси эса ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Куйида таълим тизимида қўлланилиб келинаётган ўқитиш усул ва технологияларининг рўйхатини келтириб ўтамиз. Хусусан:

Асосий педагогик усул ва технологиялар.

1. Анъанавий таълим (синф-дарс шакли, монологик, ахборотни уза-тишнинг бир томонлама йўналтирилган схемаси).
2. Интерфаол усуллар.
3. Ноанъанавий усуллар.
4. Таълим технологиялари.
5. Таълим йўналишлари бўйича таълим технологиялари.
6. Педагогик жараённи ахлоқий-шахсий йўналтирилганликка таянув-чи педагогик усуллар.
7. Муаммоли таълим;
8. Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкиллаштиришга асос-ланган педагогик усуллар.
9. Дидактик малака ошириш ва материални реконструкция қилиш асосидаги педагогик усуллар.
10. Ўқув фанлари бўйича педагогик усуллар.
11. «Энг яхши йил ўқитувчиси» муаллифлик педагогик усуллари.
12. Муқобил усуллар.
13. Табиатга мос келувчи усуллар.
14. Ривожлантирувчи таълим усули.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/755> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/755> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/755>